

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САТТОРОВ АНВАР ЭРГАШОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА
КАСБИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13. 00. 01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Сатторов Анвар Эргашович

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни
шакллантиришнинг педагогик асослари ва технологиялари.....3

Сатторов Анвар Эргашович

Педагогические основы и технологии формирования профессиональной
культуры будущих учителей физической культуры23

Sattorov Anvar Ergashovich

Pedagogical foundations and technologies for the formation of professional culture
in future students of physical culture.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САТТОРОВ АНВАР ЭРГАШОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА
КАСБИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13. 00. 01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped370 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасида (www.chdpi.uz) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мардонов Шукурулло Қўлдошев
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эркабоева Нигора Шерматовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Мелиев Ҳамидулла Абдуллаевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги PhD.28.03.2019.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104 уй.) Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; email: chdpi-kengash@umail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104 уй.) Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси)

Б.Х. Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф-м.ф.д.

Ф.Т. Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А. Эшчанов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар глобаллашув шароитида маънавий-маданий тараққиёт йўлида ўз маданий мероси, маданий ва ахлоқий кадриятларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу ўз навбатида таълим жараёнига инновацион ёндашув ва педагогик технологияларни фаол татбиқ этиш билан боғлиқ. Таълим жараёнига жорий этилаётган инновациялар самараси ўқитувчининг касбий-педагогик ижодкорлиги ва ривожланганлиги даражасига бевосита боғлиқ. Сарбон декларацияси, Жаҳон таълим форуми, Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, Таълим барча учун ва Лиссабон Конвенцияларида компетентли ёндашув асосида малакали кадрлар тайёрлашнинг инновацион йўналишларини таъминлашга катта аҳамият берилган. Болонья жараёни доирасида таълимнинг фаол ва интерфаол шакллари вариативлигини таъминлаш, компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик креативлигини ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишга эътибор кучайтирилган.

Дунё амалиётида шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, илмий-методик таъминот ва ахборот-таълим муҳитини шакллантириш, таълим жараёни компонентлари диагностикаси асосида касбий-педагогик креативлик муаммоларини ечиш, таълим сифатини комплекс бошқариш, ягона электрон тизим орқали таълимни амалга оширишнинг талаба-педагог-талаба муносабати, таълимнинг умумкасбий ва мутахассислик компонентларига асосланган интеллектуаллаштирилган тизимларини такомиллаштириш, замонавий дидактик воситаларни ўқитишнинг босқичли модели асосида қўллаш, таълим олувчиларнинг креатив компетентлиги (ижодий тафаккур, мужассамлаштириш қобилияти, таҳлил-синтез-умумлаштириш), инновацион технологиялар виситасида ривожлантиришнинг янги методлари моҳиятини очиб беришда компетенциявий ёндашув имкониятларидан самарали фойдаланиш зарауриятга айланган.

Республикамизда таълимнинг янги парадигмаларга ўтиши нафақат талабаларнинг ўзини ўзи натижавий ривожлантиришга инновацион ёндашувларни, балки ушбу жараённинг методологик асосларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Жумладан, “Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабаларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли

ишлар амалга оширилмоқда”.¹ Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назарий ва амалий мазмунини такомиллаштириш, педагоглик касбий фаолиятида зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, креатив таълим технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 118-сон қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон спортининг ривожланиш тарихи, кадриятлари, анъаналари, усул ва йўналишлари юзасидан Ф.Керимов, Ж.Нуршин, Р.Саломов, А.Атоев, Х.Ботиров, Т.Усмонхўжаев, М.Сапарбаев каби олимлар шуғулланган бўлсалар, жисмоний тарбия дарсларини замонавий усулларда ташкил қилиш, бўлажак жисмоний маданият кадрларини салоҳиятли қилиб тарбиялаш масалаларини А.Абдиев, Ш.Хонкелдиев, Ж.Тошпўлатов, Ў.Ибрагимовлар ўрганганлар. Спорт ва миллий ўйинлар воситасида таълим олувчиларнинг жисмоний тарбияси тўғрисида Е.Геллер, М.Геллер, Б.Гылыжов, М.Таникеевлар изланишлар олиб бормоқда.

Бўлажак ўқитувчиларда умумий касбий-педагогик маданиятни шакллантириш муаммолари билан С.Аннамуратова, М.Тохтаҳўжаева, С.Файзуллина каби педагог-олимлар шуғулланганлар; ўқитувчининг маънавий ва ахлоқий маданиятини ривожлантириш муаммолари Р.Джураев, М.Ишанқулов, Ш.Мардонов, У.Маҳкамов, М.Махмутов, О.Мусурмонова, С.Нишанова, Н.Артиков, К.Қуранбаев, М.Жумаев, Г.Ибрагимова, Н.Файзуллаева, К.Хошимов, С.Шермухамедов ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Бўлажак ўқитувчининг касбий маданиятини ривожлантириш масалалари Б.Жўраева, М.Жумаевлар, педагогик мулоқот

¹Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон қарори. Ушбу Қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 6 июндаги 111 (6805)-сонида эълон қилинган.

компонентлари, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-маданий муносабатлари масалалари М.Маҳкамова томонидан ўрганилган. Б.Рахимов томонидан бўлажак ўқитувчиларда касбий-маданий муносабатларнинг шакллантирилиши, А.Рисбаева томонидан касбий-педагогик мулоқот маданияти, Ш.Уришев, А.Нурмановлар томонидан педагогик мулоқот маҳоратини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Ўзбекистон педагогика фанида педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш муаммолари А.Абдукодиров, Н.Азизхўжаева, Д.Жалолова, Р.Жўраев, Ш.Мажитова, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов, М.Усмонбоева, С.Усмонов, О.Ҳайдарова, Ж.Йўлдошев каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Умумий касбий маданият, шу жумладан, коммуникатив-педагогик маданиятнинг шакллантирилиши МДҲ давлатлари олимларидан В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, В.А.Сластенинлар; психологик-педагогик жиҳатлари А.А.Леонтьев; бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маданияти Т.В.Белоусова, В.А.Бенин, Г.Б.Скокларнинг тадқиқотларида очиб берилган.

Педагогик технологияларни яратиш, уларни таълим жараёнида қўллаш муаммолари билан В.П.Беспалько, В.И.Боголюбов, В.В.Гузеев, М.В.Кларин, И.Я.Лернер, Г.К.Селевко, Н.Е.Шуркова, педагогик технологияларнинг айрим йўналишлари М.В.Буланова-Топоркова, Е.Н.Гусарова, М.В.Зевина, Н.С.Зубарева, С.С.Кошелев, М.И.Кларк, А.К.Титова, А.И.Уман, И.С.Якиманскаялар томонидан ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот режаларининг ПЗ-2017-0927124-рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида педагогик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари, шарт-шароитлари ва технологияларини такомиллаштириш ҳамда улардан олий таълим амалиётида фойдаланишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

талабаларида касбий маданиятни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини таҳлил қилиш;

бўлажак ўқитувчиларида касбий маданият, педагогик мулоқотини шакллантириш босқичлари ва дидактик параметрларини аниқлаштириш;

талабаларида касбий маданиятни шакллантириш технологияси ҳамда “Спорт этикаси ва эстетикаси” мавзусидаги аудиториядан ташқари машғулотларнинг методик таъминоти асосида касбий компетентлигининг ривожланиш мезон ва кўрсаткичларини аниқлаштириш;

бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантиришга оид фаолиятини ташкил этишда замонавий ёндашувлар ва

илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро, Фарғона, Урганч давлат университетлари, Қўқон давлат педагогика институти бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида педагогик маданиятни шакллантириш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларига жами 390 нафар талаба жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бўлажак ўқитувчиларда касбий маданиятни шакллантириш методлари, шакллари, йўллари, воситалари ва технологиялари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари мавзуга доир илмий-методик адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, педагогик кузатув, социометрия (суҳбат, анкета, тест, интервью), педагогик тажриба-синов ва маълумотларга математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларда касбий маданиятни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини касбий эҳтиёжларга мос равишда педагогик рефлексияга (ўз-ўзини англаш, идрок қилиш, баҳолаш, бошқариш) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда касбий маданият, педагогик мулоқотини шакллантиришда ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини, педагогик мулоқот топшириқларини лойиҳалаш, педагогик мулоқот материаллари билан ишлашнинг интерфаол усуллари (интерфаол диктант, виртуал саёҳат, ақлий ҳужум)ни лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда касбий маданиятни шакллантириш технологияси ҳамда “Спорт этикаси ва эстетикаси” мавзусидаги аудиториядан ташқари машғулотларнинг методик таъминотини оптималлаштириш орқали талабаларнинг касбий компетентлигининг ривожланиш даражасини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари такомиллаштирилган;

талабаларда касбий маданиятни таркиб топтиришнинг кўп тармоқли қадриятлар тизими, шахслараро муносабат ва касбий-шахсий ривожланишдаги ўзгаришларни акс эттирувчи ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга доир интерфаол усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда касбий маданиятни шакллантиришнинг педагогик технологияларига қўйилган давлат талабларини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

“Спорт этикаси ва эстетикаси” мавзусидаги аудиториядан ташқари машғулотлар дастури яратилган ва амалиётга татбиқ этилган;

бўлажак ўқитувчиларда касбий маданиятни шакллантириш принцип, омил, қонуният, кўрсаткич, мезон, шарт-шароитларини ўзида мужассамлашган кластерли модель ҳамда педагогик технологиялар ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларда педагогик маданиятни кўрсаткич ва мезонлар асосида шакллантириш мақсадида маъруза ва семинарлар, конференциялар ўтказиш юзасидан педагогик-психологик талаблар ва тавсиялар ишлаб чиқилган, Бухоро, Фарғона, Урганч давлат университетлари, Қўқон давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, методистлари ҳамда амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида педагогика фани бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларда педагогик маданиятни шакллантиришга оид илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндашувлар билан бойитилган. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда педагогик маданиятни шакллантириш жараёнининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, технологиялари, ташкил этиш йўллари, шакл ва методлари, таълим жараёнини ташкил этишга оид илмий-методик тавсиялардан таълим жараёнида фойдаланилганлиги билан изоҳланган.

Диссертация ишида илмий-амалий асосланган ёндашув ва тавсиялардан олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларида педагогик маданиятни шакллантириш жараёнини ташкил этиш, мазмунини бойитиш, сифат ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда маъруза матнлари, аудиториядан ташқари махсус курслар мазмуни, ўқув материаллари, бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари маҳоратини такомиллаштиришга доир йўриқномалар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларда касбий маданият, педагогик мулоқот компетентлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талабаларда педагогик мулоқот компетентлигини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлар ва омилларини аниқлашга доир таклиф ва тавсиялар “Спорт этикаси ва эстетикаси” мавзусидаги аудиториядан ташқари машғулотларнинг махсус дастури материаллари жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режалари ва дастурларига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 мартдаги 89-03-1178-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчилар касбий тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари педагогик мулоқот компетенциялар тизими асосида бойитилган;

бўлажак ўқитувчиларда педагогик мулоқот компетентлигини такомиллаштириш бўйича ўқув материалларини тизимлаштиришнинг

дидактик параметрлари педагогик мулоқот тавсифидаги топшириқларни лойиҳалаш, педагогик мулоқот материаллари билан ишлашнинг интерфаол усулларини такомиллаштиришга доир таклифлардан ПЗ-2017-0927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 мартдаги 89-03-1178-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда педагогик мулоқот компетентлигини ривожлантиришнинг технологик компонентлари мазмуни ва ташкилий-методик асослари такомиллаштирилган;

талабаларда касбий маданиятни таркиб топтиришнинг кўп тармоқли кадриятлар тизими, шахслараро муносабат ва касбий-шахсий ривожланишдаги ўзгаришларни ақс эттирувчи ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга доир таклифлар “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (Жисмоний тарбия тарихи)” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 мартдаги 89-03-1178-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари касбий мулоқот компетентлигининг такомиллашишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 5 та халқаро ва 13 та республика илмий-назарий ҳамда амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқотининг асосий ғоя ва натижалари 10 та мақола, шундан 5 та хорижий, 5 та ОАК тасарруфидаги республика илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг умумий ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзунинг долзарблиги ва зурурияти ассланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантириш педагогик зарурият

эканлиги, бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантиришнинг педагогик-психологик йўналишлари очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълимининг долзарб вазифаларидан бири – таълим олувчилар шахсининг жисмоний имкониятларини очиш ва уларни жисмоний жиҳатдан ривожлантириш ҳисобланади, бунинг учун эса жисмоний маданиятнинг мустаҳкам асосларини шакллантириш зарур.



1-расм. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг шахсий хусусиятлари

Бўлажак ўқитувчиларда инсонийлик, педагогик ижодкорлик, ёшларга ижобий жиҳатдан намуна бўлиш, вазминлик, жамоат жойлари ва аудитория (синф)ларда ўзини тута билиши, ўзини ўзи назорат қилиши, меҳрибонлик, ўз шогирдлари учун хавотирланиши, ҳаққонийлиги (баҳолашда, тавсифлашда), талабчанлик, ҳазил-мутойиба туйғусига эғалик, қувноқ характер соҳиби бўлиши, ҳиссий-ижобий кайфиятга эга бўлиш, ўқувчилар билан мулоқотда касбий одоб ва ахлоққа амал қилиш, таълим олувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва тушуниш каби фазилатлар шаклланган бўлиши керак.

Ўқитувчи юксак даражадаги касбий-педагогик маданиятга эга бўлиши зарур. Касбий-педагогик маданият – интеллектуал, ижодий кучлар ва касбий-шахсий қобилиятларнинг тўла унум билан ишлаши бўйича ўқув-тарбиявий жараённинг маълум даражадаги талаби; бу таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти ва тарбиявий жараёни, улар орасидаги ўзаро муносабатларнинг аниқ ташкил қилиниши, педагогик жиҳатдан бошқарилиши ва қонуний назорати; касбий-педагогик фаолият натижасидир.

Педагогика энциклопедиясида касбий маданият тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Касбий маданият – инсоннинг олган билим ва тажрибасига асосланган малакали ҳаракатлар ёки меҳнат фаолиятининг

маҳсулидан буён бўлган нарсалар, ўзгаларда завқ уйғота оладиган ижтимоий ҳодиса. Шахснинг касбий маданияти, билими, кўникмаси, малакаси, қобилияти, ахлоқий ва эстетик ривожланиши, дунёқараши, одамлар билан ўзаро мулоқот қилиш усул ва шакллари, истеъдоди даражасида амалга оширадиган кучи ва салоҳиятини ўз ичига олади”.²

Педагогик маданият эса “... ўқитувчининг ўз касбий фаолияти жараёнида эришган ютуқлари, маърифатлилиги, касбий одоби, маҳоратини ифодаловчи атама. Ўқитувчи педагогик маданиятининг таркибий қисмлари сифатида унинг интеллектуал ривожланганлик даражаси, касбий тафаккури, касбий компетенциялари, одоби, имиджи, мулоқот кўникмалари ташкил этади”.³

Педагогик маданиятда бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисининг мулоқот маданияти, касбий-коммуникатив фаолияти каби компонентлари муҳим ва ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолияти ва мулоқотига ҳозирги замон таълим тизимида мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифати, энг аввало, уларнинг педагогик мулоқотга тайёргарлиги, ўқув-методик ҳамда маънавий-маърифий вазифаларни ҳал этиш юзасидан муайян касбий ҳаракатларни бажариш лаёқатидир. Бунинг асосида бўлажак ўқитувчиларнинг муайян билим, кўникма ва қобилиятлари, энг аввало, педагогик мулоқот маданияти ётади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мулоқот маданияти талабларига, ўқувчиларга ахборотларни аниқ ва равон тақдим этиш маҳорати, ҳамкасбларига тўғри маслаҳат ва таклиф беришни билиши, баҳонинг шаффофлигини ифодалай олиши, хоҳиш-истакларини билдириши, мулоқотнинг нутқий ва нутқсиз воситалари ҳамда нутқ меъёрларидан тўғри фойдаланиши, мулоқотда-англаш, эстетик, ахлоқий, коммуникатив эҳтиёжларни қаноатлантириши кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур талаблар, аввало, касбий-педагогик фаолиятда ўта муҳим бўлган маданий-коммуникатив фазилатлар – ҳиссий маданият, таълим олувчиларнинг эътиқоди, уларга таъсир ўтказиш; мотивация; касбий ривожланиш; назарий билим ҳамда мулоқот тузилиши ва технологиясидан хабардорлик (уларга ижодий ёндашув); суҳбатдоши руҳиятини билиш; педагогик ҳамкорлик ва шахслараро ўзаро таъсир; педагогик тактни эгаллаш; педагогик мулоқот техникаси; нутқ маданияти ва мулоқотнинг нутқсиз воситаларининг ифодаланишида ўз аксини топади.

²Педагогика энциклопедия, II жилд. Масъул муҳаррирлар: Р.Сафарова, Р.Жўраев. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, -Тошкент, 2015. Б-161-162.

³Педагогика энциклопедия, III жилд. Масъул муҳаррирлар: Р.Сафарова, Р.Жўраев. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, -Тошкент, 2017. Б-91-92.



2-расм. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий маданияти

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисининг педагогик касбий мулоқот маданиятининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда ифодаланади: ўзининг жисмоний сифатлари ва қобилиятларини энг мақбул даражасигача ривожлантиришда;

инсон жисмининг гўзаллиги, пластик эркинлиги ва соғлигига эътиборли бўлишида (жисмоний тарбия билан фаол шуғулланиш туфайли);

эстетик ҳодисалар каби жисмоний тарбия ва спортдаги ютуқлари муайян шакллارининг идрок этилишида;

спортда эстетика олий гўзаллик қимматига эга бўлиб, унда ушбу спорт ҳодисаси “ўз муайян ҳиссий яхлитлигида шахс кадрияти сифатида намоён бўлади, шахснинг ҳар томонлама ривожланишига, унинг эркинлиги, индивидуаллиги чегараларининг кенгайишига ёрдам беради” ҳамда унинг яширин интеллектуал ва ижодий имкониятларининг очилишига имконият яратади.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари касбий мулоқотни билиши, жисмонан ва маънан тарбияланганлиги, келажакда ўқувчиларни спортга жалб қилиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Спорт ва эстетика, спорт ва ахлоқ, спорт ва мулоқот, спорт ва маданият, спорт маданияти ва шахснинг ривожланиши – амалиётда педагогик маданият – бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиси мулоқотини англаб олиш, тушуниб етиш ва интеграцияси бир-бирини тўлдириб борадиган ва ажралмас тушунчалардир. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисини шакллантириш жараёнида спортдаги гўзаллик, яъни унинг ўз кўркемлиги, гавдаланиши, педагогик фаолиятида юксак завқ-шавқ уйғотиши, чуқур таассуротлар қолдириши ва унутилмас ҳиссиётларни жунбишга келтириши, айниқса, муҳим.

Шундай қилиб, жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий-шахсий дунёси ўзига хос, турли мақсад-мазмунга эга бўлиб, у ижтимоий йўналтирилган бўлиши керак. Энг муҳими – бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари ўз коммуникатив компетенциясини такомиллаштириши,

мактабнинг ижтимоий-жисмоний маданияти, борлиқ ҳаётига кириб бориши ҳамда уларга ижодий ёндашувидир.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиси мактаб ўқувчиларида жисмоний коммуникатив маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос технологиялари, инновацион методлари, энг мақбул усуллари, йўллари, замонавий воситаларни излаб топиши лозим. Бунда унинг касбий маданияти, педагогик ахлоққа асосланган педагогик мулоқот (мулоқот қоидалари, меъёрлари, регламенти, мазмуни, технологияси) маданияти катта аҳамиятга эга.

Бу ўринда педагогик муаммо тегишли педагогик-психологик жиҳатларининг кўриб чиқилиши ва аниқланишини талаб этади. Жумладан, шахс индивидуаллиги; ёш ва психологик хусусиятлари; мотивацияси; ҳиссий омиллари; психологик жиҳатлар – спортчининг чиқишини эстетик жиҳатдан идрок этиш; спорт соҳасидаги қадриятли йўналишлар; мулоқот психологияси; касбий этика психологияси; ўзини ўзи кузатиш – идрок қилиш – эътибор бериш – ўз-ўзини ривожлантириш – назорат қилиш – тарбиялаш – англаш – замонавийлаштириш – ижтимоийлаштириш – баҳолаш – ҳисобот беришнинг барча турларини қамраб олади.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантириш ҳақида гапирганда, “шахс” тушунчасининг моҳиятига алоҳида эътибор беришимиз керак. “Шахс” – “табиатни, жамиятни, ўзини ўзи фаол ўзлаштирувчи ва аниқ бир мақсадга йўналтирган ҳолда ўзгартирувчи, макон ва замонга оид йўналишлар, эҳтиёжий-иродавий кечинмалар, мазмундор йўналтирилганликлар, фаолият даражаларини ўзлаштириш ва уни амалга ошириш шакллариининг ноёб, тадрижий мутаносиблигига эга бўлган инсондир”.

Кейинги йилларда шахс тушунчаси турлича изоҳланмоқда: 1) “шахс – инсон, жамият аъзоси, онг соҳиби сифатида; 2) инсон, ўзини ўзи англашга ва ўзини ўзи ривожлантиришга қодир бўлган, муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатида; 3) инсонни жамият аъзоси сифатида тавсифлайдиган ижтимоий моҳиятли сифат, муносабат, кўрсатма ва мотивларнинг барқарор тизими” дир.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, шахс тушунчасининг барча талқинлари ишонарли ва тўғри баён этилган. Лекин биз шахс тушунчасини педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқишимиз керак. Тадқиқотимизда шахс, унинг тузилиши ва йўналтирилганлигини В.В.Богословскийнинг мулоҳазаларига амал қилган ҳолда баён қиламиз. Шахс – жамият аъзоси сифатида унинг бойлиги, бошқа одамлар билан бўлган алоқаларининг ранг-баранглиги, ҳаётга нисбатан фаол муносабатини акс эттирувчи тушунча. Шахс мулоқоти эса унинг ижтимоий ҳаётнинг турли томонлари билан ранг-баранг алоқалари, маънавий дунёсини кўрсатиб беради.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари шахси ҳиссий дунёни фаол англаши, психик жараёнларининг такомиллаштирилиши, умумий ва махсус

қобилиятлари, тафаккурининг фаол ривожланиши, ахлоқининг шаклланиши ва ривожланиши, дунёқараш, жамиятда ахлоқий жиҳатдан ўз ўрнини белгилаб олиши, атрофдагилар билан муносабатларини белгилаш давридир. Мазкур давр назарий интеллектнинг вужудга келиши, муайян даражадаги касбий ривожланиши ва тегишли билим, кўникма, маҳорат, умумий ва махсус қобилиятларини шакллантириш даври ҳисобланади. Улар жамоатчилик олдида чиқиш қилиш ҳамда атрофдагилар билан мулоқот қилишга қизиқадилар. Улар ўзини ўзи шакллантириш, такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаси орқали намоён бўлишни хоҳлайдилар. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари ўзини ўзи тарбиялаш, ўзининг ташқи қиёфасини такомиллаштириш, маънавий дунёсини бойитишга мойилдирлар. Маънавий-эстетик ва ахлоқий тарбия ҳамда касбий-шахсий ўзини ўзи такомиллаштириш бўйича олий таълим муассасалари талабалари педагогик мулоқот эстетикасига оид тавсияларга жуда муҳтожлик сезадилар.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари шахси, уларнинг индивидуаллиги, айниқса, касбий мулоқоти жараёнида қуйидагилар ҳисобга олинади: мизожи, характери, индивидуал хусусиятлари, шахсий сифатлари, қизиқишлари, идрок қилиши, қобилияти, интеллекти ва ҳ.к.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчилари ижодиётида қуйидаги шахсий омиллар намоён бўлиши лозим: ёрқин ҳиссиёт; иждодий тафаккур (бадий); ҳаракатлар ифодалилиги; индивидуаллик; янгиликка интилиш; ўзини ўзи ифодалаш, ақл ва қалб интизими; фуқаролик ўзини ўзи англаш қабилар.

Тадқиқот ишимизда спорт эстетикасини умумий баҳолаш мезонлари сифатида куч, енгиллик, гўзаллик, уйғунлик, шакл, ритм, динамика, равлонлик, нафислик, назокат, ифодалилик, бошқарувчанлик, мувозанатланганлик, зўр бериш, куч ва қудрат, тезлик, хатарлилик, аниқлик, вақт ҳисси, техника, стратегия, тактика, суръат, мусобақалашувчанлик, ўзини ўзи тута билиш, завқланиш, эстетик лаззатланиш, ҳиссий-эстетик қайғудошлик, қувонч каби атамалар ва тушунчалардан фойдаландик.

“Педагогик мулоқотнинг комуникатив компоненти диалог иштирокчиларининг мавқелари ва вазифаларини мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Таълимнинг дастлабки босқичларида ўқувчиларда ўзаро мулоқотга киришиш, ўқитувчилар ва синфдошлар билан муносабат ўрнатишга оид билим ва тажрибалар етарли бўлмайди. Бу жараёнда ўқитувчи тарихий тажрибанинг ташувчиси мавқеига эга бўлади. Бугунги кунда ўқитувчиларнинг ўқувчиларга ахборотларни тақдим этишга оид тажрибасини бойитиш зарурияти мавжуд. Бунинг учун ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан педагогик мулоқот ўрнатишга оид билимлари ва тажрибаларини фаоллаштириш талаб қилинмоқда. Педагогик мулоқот турли шаклларга эга. Бу таълим жараёнида педагогнинг тутган мавқеи, унинг шахсий сифатлари, билим даражасига бевосита боғлиқ. Педагогика ҳамда психологияга оид манбаларда педагогик мулоқот ўқитувчининг фаолият услуби билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Педагогика фанида педагогик услубнинг бир қанча

таснифлари мавжуд. Педагогик муносабат аксарият манбаларда педагогик мулоқот тарзида талқин этилади. Педагогик мулоқотнинг муҳим жиҳати ўқув-тарбия жараёнини ўқувчи шахсига йўналтирилган ҳолда ташкил этиш имкониятини яратишга хизмат қила олишидадир⁴”.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг касбий педагогик маданиятида мулоқотнинг шахслараро, гуруҳлараро ва жамоавий ижтимоий шаклларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

1. Шахслараро – идрок қилиш, билиш, тушуниш, эмпатия асосида суҳбатдошларнинг бир-бирини баҳолаши ва тавсифлаши.

2. Гуруҳлараро – ижтимоий гуруҳлар орасидаги мулоқот. Гуруҳлараро идрок қилишнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда мулоқот субъектлари ва объектлари, гуруҳларнинг ўзаро муносабати ҳамда биргаликдаги гуруҳлараро фаолият тури ва мазмуни инобатга олинади.

3. Жамоавий, жамоатчилик билан мулоқот – жамоа аъзоларининг жипслашган, кадриятли-йўналтирилган бирлиги асосида қурилади.

Кўриб чиқилган педагогик-психологик йўналишлар бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида спорт, унинг этикаси ва эстетикаси мавзуларида касбий маданият – педагогик мулоқотни шакллантириш муҳим йўналишдан бири ҳисобланади.

Педагогик амалиётда кўп ҳолларда “жисмоний маданият” ва “жисмоний тарбия” тушунчаларини бир маънода ишлатиш ҳолатлари учрайди. Биз қуйида мазкур тушунчаларни аниқлаштириб олишга ҳаракат қиламиз.

Жисмоний маданият ижтимоий ҳаёт шаклларида бири, умумий маданиятнинг таркибий қисмидир. Жисмоний маданият – инсон ҳаёт тарзининг бир қисми, соғлиқни сақлаш тизими, спорт фаолияти, тана ва ақл бирлиги ва уйғунлиги, маънавий ва жисмоний кучларнинг ривожланиши тўғрисидаги билимлар мажмуи.

Жисмоний тарбия – боланинг жисмоний кучлари, жисмоний маданиятни мустаҳкамлаш, шакллантиришнинг анатомик, физиологик ва бошқа тизимлари, гигиеник кўникмалари ва соғлом турмуш тарзини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг педагогик маданияти, педагогик мулоқоти, умумий педагогика фанлари ҳамда аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданият – педагогик мулоқотни шакллантиришнинг педагогик асослари”** деб номланади. Мазкур бобда бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантириш жараёнининг мазмуни ҳамда бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантириш технологияси ёритилган.

⁴Педагогика энциклопедия, III жилд. Масъул муҳаррирлар: Р.Сафарова, Р.Жўраев. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, - Тошкент, 2017. Б-91-92.

Илғор педагогик технологияларга бағишланган тадқиқотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш тадқиқотимизнинг технологик асосларини ишлаб чиқиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Педагогик технологиялар педагогик назариянинг амалиётга жорий этиш тизими эканлиги, педагогик технология, унинг моҳияти, воситалари, тизимлари, таркибий қисмлари, технологияларнинг ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларидаги аҳамияти, педагогик жараёндаги касбий мулоқотга технологик ёндашув тадқиқ қилинаётган муаммонинг муваффақиятли ечимини топишдаги муҳим омилдир.

Технология, энг аввало, тизим. Педагогик тизим эса диагностикалаш, мақсадни қўйиш, вазифаларни белгилаш, лойиҳалаш, ахборотли-жараёнли, ташкилий-фаолиятли ва назорат-бошқарув компонентларни қамраб олади. Педагогик назарияни амалиётга жорий этиш технологияси меъёрий ҳужжатларда шакллантирилган вазифаларни ўрганиш; амалиёт жараёнида маълумотларни ижтимоий талаблар билан солиштириш, таҳлил қилиш, педагогик амалиётни ўзгартириш эталонларини тузиш, жорий этилиши мумкин бўлган ғоялар, тавсияни излаш, комплекс дастурлар ишлаб чиқиш, дидактик, моддий, ахборот, ташкилий воситаларни тайёрлаш, жорий этиш, жараён иштирокчиларини методик, психологик, ташкилий жиҳатдан тайёрлаш, педагог-олимларнинг тавсиялари билан алоқа боғлаш механизми асосида амалга оширилади.

Педагогик технология – педагогик ҳаракатлар муваффақиятини кафолатлайдиган қатъий илмий лойиҳалаш ва аниқ қайта такрорлашдир. Педагогик технология таълим жараёнида бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида намоён бўладиган барча касбий педагогик ҳаракатларининг ташқи ва ички йиғиндиси ҳисобланади. Ҳар қандай педагогик вазифа фақатгина малакали ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган мос илғор педагогик технология ёрдамида ҳал қилиниши мумкин.

Бизга маълумки, олий таълим муассасаларидаги технологик машғулотлар сирасига маъруза, суҳбат, диалог, мунозаралар; семинар, лаборатория ва амалий машғулотлар киради. Уларнинг элементлари сифатида мотивация, педагогик жиҳатдан ташкил қилиш, такрорлаш, мустаҳкамлаш, акс эттириш жараёнларини кўрсатиш мумкин. Бу жараёнда турли диагностик воситалардан фойдаланган ҳолда билимлар сифатини назорат қилиш ва баҳолаш амалга оширилади.

Педагогик технология – ўқитиш ва тарбиялаш воситаси бўлиб, ҳар қандай педагогик технологияда ўқитиш воситаси етакчи аҳамият касб этади.

Биз бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларида спорт, унинг этикаси ва эстетикаси мавзусида касбий маданиятни шакллантириш жараёнида фойдаланилган ва бошқа педагогик технологиялар орасида, айниқса, ахборот-англашга оид маърузавий технологиялар, уларнинг айрим компонентларини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Жумладан:

бўлажак ўқитувчиларнинг мотивацион ички кайфиятини шакллантираётган маданиятнинг шахсий моҳиятли, касбий заруриятли ва ижтимоий қадриятли технологияси;

билишга оид ахборотни идрок қилиш, унинг креатив ўзлаштирилиши, ижодий ўқишни фаоллаштириш, ижтимоийлаштирилиши, интеллектуал-ижодий “маҳсулот”нинг яратилиши технологияси;

спорт ва жисмоний маданиятга оид луғат асосида муайян зарур тушунчаларнинг заҳирасини ўзлаштириш технологияси;

спорт эстетикасини ҳиссий идрок қилиш технологияси;


спортдаги гўзалликни мантиқий-таҳлилий ўрганиш технологияси;

маъруза материалларини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш технологияси;

машғулот мавзуси бўйича топшириқ ва уй ишларини тайёрлаш технологияси;

маъруза машғулотларининг мақсадига эришилишини назорат қилиш ва баҳолаш технологияси.

